

Аллоҳдан кўра рашкчиरोқ бирор Зот йўқ | Сийрат дарслари (348-дарс)



19:00 / 03.10.2025 1107

758. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ рашк қилади. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилишидан келади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

759. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳдан кўра рашкчиरोқ бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам У зот ошкор ва махфий фаҳш ишларни ҳаром қилган. Аллоҳдан кўра ўзининг мадҳ қилинишини яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам, У зот Ўзини мадҳ қилган»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

760. Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Убода: «Агар хотиним билан бегона эркакини кўрсам, уни қиличнинг тиғидан ўтказар эдим», деди. Бу (гап) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етганда: **«Саъднинг рашкидан**

ажабланияпсизларми? Мен ундан кўра рашкчироқман, Аллоҳ мендан кўра рашкчироқ. Аллоҳ рашки учун ошкор ва махфий фаҳш ишларни ҳаром қилган. Аллоҳдан кўра узрни яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам У зот башорат берувчи ва огоҳлантирувчиларни юборган. Аллоҳдан кўра ўзининг мадҳ қилинишини яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам у зот жаннатни ваъда қилган», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

761. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси унинг ҳузуридан чиқдилар. Шунда рашким келди. Сўнгра у зот келдилар ва қилаётганимни кўриб: **«Сенга нима бўлди, Оиша, рашк қилдингми?»** дедилар. «Менга ўхшаган сизга ўхшагандан рашк қилмай ҳам бўлармиди?» дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шайтонинг келдими?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мен билан шайтон борми?» дедим. **«Ҳа»**, дедилар. «Ҳар бир инсонда ҳамми?» дедим. **«Ҳа»**, дедилар. «Сиз билан ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. **«Лекин Роббим менга ёрдам берди ва у мусулмон бўлди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

762. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Паҳлавон курашда йиқитган (киши) эмас, ҳақиқий паҳлавон ғазаб пайтида ўзини ўнглаб олгандир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.